



Improvement of the tariff policy of the Republic of Uzbekistan in the process of joining and membership in the World Trade Organization

Ulugbek KIRGIZBAEV¹, Komila KIRGIZBAEVA²

Tashkent State University of Economics

ARTICLE INFO

Article history:

Received February 2023

Received in revised form

15 February 2023

Accepted 15 March 2023

Available online

25 April 2023

Keywords:

Foreign trade,
World Trade Organization,
GATT,
export,
import,
inflation.

ABSTRACT

This article describes the history of the World Trade Organization and the procedure for becoming a member of the organization. The member countries' foreign trade and several macroeconomic indicators are analyzed. Prospects and positive consequences of our country's membership in the World Trade Organization are considered. An analysis of the customs definition policy and conclusions and suggestions are given.

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss2-pp280-284>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлишида тариф сиёсатини такомиллаштириш

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

ташқи савдо,
Жаҳон савдо ташкилоти,
GATT,
экспорт,
импорт,
инфляция.

Мазкур мақолада Жаҳон савдо ташкилотининг пайдо бўлиш тарихи, ташкилотга аъзо бўлиш тартиби, аъзо мамлакатларнинг ташқи савдоси ва бир қатор макроиқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш истиқболлари, шунингдек, ижобий оқибатлари таҳлил қилинган. Божхона таъриф сиёсати таҳлили, шунингдек хулоса ва таклифлар берилган.

¹ Master's student, Tashkent State University of Economics. Tashkent, Uzbekistan. E-mail: 9506000@mail.ru

² Master's student, Tashkent State University of Economics. Tashkent, Uzbekistan. E-mail: Komila.kir@gmail.com

Совершенствование тарифной политики Республики Узбекистан в процессе вступления в членство Всемирной Торговой Организации

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

Внешняя торговля,
Всемирная торговая
организация,
ГАТТ,
экспорт,
импорт,
инфляция.

В данной статье описывается история Всемирной торговой организации, процедура вступления в члены организации. Проанализированы внешняя торговля стран-участниц и ряд макроэкономических показателей. Анализируются перспективы и положительные последствия членства нашей страны во Всемирной торговой организации. Дан анализ политики определения таможи, а также выводы и предложения.

Маълумки, жаҳон ҳўжалигида давлатлар ташқи савдо алоқаларини қайтадан ташкил этиш, айрим тармоқ ва соҳаларда таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш зарурати борлиги ҳам аён бўлмоқда. Натижада кейинги йилларда глобал ва минтақавий даражада дунё ташқи савдосида янги йўналишларда силжишлар ва трансформация рўй бермоқда. Давлатларнинг ташқи савдо стратегияларида ҳам туб ўзгаришлар намоён бўлмоқда.

Жаҳон савдо ташкилоти мамлакатлар ўртасидаги ўзаро савдо алоқалари олиб бориладиган ва бу борадаги низоларни ҳал этиш имкониятини берувчи глобал майдон ҳисобланади. Бугунги кунда дунёнинг 164 та давлати унга аъзо. БМТ мамлакатлар ўртасидаги сиёсий муносабатларни, Жаҳон савдо ташкилоти (кейинги ўринларда ЖСТ) эса улар ўртасидаги савдо муносабатларини тартибга солади [1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йилдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПҚ–60-сон Фармони билан тасдиқланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясидаги 97-мақсадда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш масаласининг киритилганлигидир. Бунда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо давлатлар билан музокаралар ўтказиш; Ўзбекистонлик мутахассисларнинг Жаҳон савдо ташкилоти ва кўп томонлама савдо тизими соҳасида салоҳиятини ошириш; техник жиҳатдан тартибга солиш, санитария ва фитосанитария чоралари ва интеллектуал мулк ҳимояси соҳаларида миллий қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилоти битимларининг талабларига мувофиқлаштириш бўйича тегишли таклифлар ишлаб чиқиш; Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишининг металлургия, тўқимачилик, озиқ-овқат, автомобиль ишлаб чиқариш соҳаларига таъсирини ўрганиш; Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишининг миллий иқтисодиётга таъсирини ўрганиш; Жаҳон савдо ташкилоти қоидаларига мувофиқ бўлган ички бозорни нотариф чоралар орқали ҳимоя қилиш тизимини ривожлантириш; Жаҳон савдо ташкилоти қоидаларига мувофиқ бўлган экспортни қўллаб-қувватлаш ва субсидиялаш чораларини ишлаб чиқиш каби чораларнинг давлатимиз учун мақсад қилиб олиниши Ташкилотга аъзолик ишларининг жадаллашишига олиб келиб, ушбу соҳанинг ўрганилишини янада чуқурлаштиради.

2020 йил 7 июлда 15 йиллик танаффусдан сўнг Ўзбекистон Республикасининг ЖСТга аъзо бўлиши бўйича ишчи гуруҳининг 4-йиғилиши бўлиб ўтди. Ҳозирги кунда ташкилотга аъзо бўлган айрим мамлакатлар билан товарлар ва хизматлар бозорига кириш бўйича икки томонлама музокаралар олиб борилмоқда. Марказий Осиё мамлакатлари орасида ЖСТга аъзо бўлиш бўйича илк қадамни Ўзбекистон Республикаси қўйган эди. Ҳозирда ЖСТга Марказий Осиё мамлакатларидан Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон аъзо бўлган. Туркменистон эса, ушбу ташкилотда кузатувчи мамлакат сифатида иштирок этмоқда. Агар Туркменистон бу ташкилотга аъзо бўлиб кирса, биз учун яхши имконият яратилади. Сабаби Туркменистон орқали Эроннинг Бандар-Аббос портига чиқа оламиз. Бу порт орқали эса жаҳон бозорига ўз маҳсулотларимизни қисқа фурсатда етказиш мумкин. Ўзбекистон ҳам ЖСТга аъзо бўлиш мақсадида ЖСТ Котибияти билан музокаралар олиб бормоқда. Қуйидаги жадвалда Марказий Осиё мамлакатлари ва ЖСТ муносабатларининг ҳозирги ҳолати келтириб ўтилган [2].

1-жадвал

Марказий Осиё ва Жаҳон савдо ташкилоти

Т/р	Мамлакатлар	ЖСТга ариза топширган йили	ЖСТдаги ҳолати (аъзолиги)
1.	Ўзбекистон	1994 йил декабрь	музокаралар даврида
2.	Қирғизистон	1996 йил февраль	1998 йил декабрь
3.	Тожикистон	2001 йил май	2013 йил март
4.	Қозоғистон	1996 йил январь	2015 йил ноябрь
5.	Туркменистон	2020 йил июль	кузатувчи

Манба: www.wto.org маълумотлари асосида тузилган.

Ташкилотга аъзолик шартлари бўйича музокаралар қуйидаги тўртта йўналишда ўтказилади [3]:

– қабул қилинадиган қоидалар бўйича ишчи гуруҳдаги кўп томонлама музокаралар;

– қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш ва экспортни субсидиялаш бўйича манфаатдор томонлар ўртасида кўп томонлама музокаралар;

– манфаатдор томонлар ўртасида товарларга имтиёзлар бериш бўйича икки томонлама музокаралар;

– хизматлар савдоси бўйича манфаатдор томонлар ўртасидаги икки томонлама музокаралар.

Номзод давлат қонунчилик тизимига ЖСТ талаблари асосида ўзгартириш киритиш бўйича аниқ муддат ва амалий ҳаракатлар акс эттирилган дастур ишлаб чиқиб, ишчи гуруҳга тақдим қилади. Ишчи гуруҳ дастурни кўриб чиқиб, ЖСТ тартибларига зид қисмлар бўйича керакли тавсиялар беради ва дастурни амалга оширилишини мунтазам назорат қилиб боради.

Божхона тарифларини белгилаш бўйича музокаралар аъзо мамлакатлар ўртасида икки томонлама тартибда олиб борилади. Дастлаб номзод давлат ўзининг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда божхона божи ставкалари бўйича таклиф ишлаб чиқиб, Бош кенгаш ва ишчи гуруҳга тақдим этади. Бош кенгаш ва ишчи гуруҳ таклиф этилаётган бож тарифларини кўриб чиққач, уни барча аъзо мамлакатларга тақдим этади ва музокараларни бошлашни сўрайди.

Бож тарифлари бўйича музокараларда қатнашмоқчи бўлган аъзо давлатлар номзод давлатдан ишчи гуруҳ йиғилишлари доирасида икки томонлама музокарани ташкил қилишни сўрайди. Товарлар ва хизматлар савдоси бўйича алоҳида қоидалар амал қилсада, товарлар ва хизматларга бож тарифларини белгилаш бўйича икки томонлама музокаралар бир вақтда ўтказилади. Музокаралар давомида келишилган тариф ставкалари бўйича икки томонлама махфий келишув имзоланади ва ЖСТ котибиятга тақдим қилинади.

Импорт қилувчилар учун божхонада маҳсулот қийматини баҳолаш жараёнидан келиб чиқадиган муаммолар ундириладиган ҳақиқий бож ставкаси каби жиддий бўлиши мумкин. ЖСТнинг божхона баҳоси бўйича келишуви божхона мақсадлари учун товарларни баҳолашнинг адолатли, ягона ва нейтрал тизимини – амалдаги тижорий жараёнларга мос бўлган, ўзбошимчалик билан ёки уйдирма божхона қийматларидан фойдаланишни қонун билан тартибга соладиган тизимга қаратилган. Уругвай раундининг тегишли қарори божхона маъмуриятларига импорт қилинадиган товарларнинг декларация қилинган қийматининг тўғрилигига шубҳа қилиш учун асослар мавжуд бўлган ҳолларда қўшимча маълумот сўраш ҳуқуқини беради [4].

ЖСТ савдо-сотиқни тартибга солишда халқаро тизимнинг асосидир. Бунинг асосий вазифаси адолатли рақобат ва тартибга солишни таъминлаш орқали жаҳон савдосини эркинлаштиришдир. Вариантлардан бири ҳар бир савдо шериги билан икки томонлама музокаралар бўлиши мумкин, аммо бу кўпроқ маблағ талаб қилади, бу кичик мамлакатлар учун жиддий муаммо. Бундан ташқари, кичик давлатлар бошқа давлатлар билан умумий манфаатларга эга гуруҳлар тузиши мумкин бўлган ЖСТ доирасидаги музокараларга қараганда икки томонлама музокаралар самарасизроқ бўлиши мумкин.

Хулоса ва таклифлар. Экспертнинг таҳлилида Қозоғистон, Туркия ва Грузия мамлакатларининг ЖСТга аъзо бўлишининг мамлакат макроиқтисодий кўрсаткичларига таъсири кўриб чиқилган бўлиб, ундан кўринадики Қозоғистон ташкилотга 2015 йилда аъзо бўлган бўлса, инфляция 2013–2015 йилларда ўртача 6,41% бўлган бўлса, 2016–2018 йилларда 9,34%гача кўтарилган, 2019–2021 йилларда эса, 6,66%га пасайган [5]. Ишсизлик даражаси эса, 2013–2015 йилларда 5,06%дан ташкилотга аъзоликдан сўнг пасая бошлаган, яъни 2016–2018 йилларда 4,9%га, 2019–2021 йилларда 4,86%гача пасайиши кузатилган. Бундан кўринадики, мамлакат ташкилотга аъзо бўлганидан кейин иқтисодиётдаги ижобий таъсирлар тезликда билинмайди, унинг таъсирини кўриш учун албатта йиллар керак бўлади.

ЖСТга киришдан Ўзбекистонга асосий фойда:

1. Ташқи бозорларга кўпроқ кафолатли кириш;
2. Миллий фаровонликнинг фойдалари. ЖСТга кириш савдо режимини сезиларли даражада эркинлаштиришни талаб қилади;
3. Мамлакатнинг узоқ муддатли ривожланишини белгилайдиган жамият институтлари ривожланишининг фойдалари;
4. Бизнес муҳитига барқарорликни таъминлайди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Н.С.Исмаилова, У.А.Дадабаев, А.Х.Ахмаджонов, Х.К.Файзиёва, З.Х.Ахмадалиёва. Жаҳон савдо ташкилоти ва кўп томонлама савдо тизими. Ўқув кўлланма. Тошкент, 2022 й. – 85-бет.

2. Ваҳабов А.В. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар: дарслик /А.В. Ваҳабов, Д.А. Таджибаёва, Ш.Х. Ҳажикаев. — Тошкент: Бактрия пресс, 2015. – 85-бет

3. The Rules of Origin Agreement 1994, Apr. 15, 1994, Marrakesh Agreement Establishing the World Trade Organization, Annex 1A, 1867 U.N.T.S. 187, 33 I.L.M. 1153 (1994)

4. Article VII, General Agreement on Tariffs and Trade 1994, Apr. 15, 1994, Marrakesh Agreement Establishing the World Trade Organization, Annex 1A, 1867 U.N.T.S. 187, 33 I.L.M. 1153 (1994)

5. И.Қосимов. ЖСТга аъзо бўлишнинг мамлакатлар иқтисодиётига таъсири қандай? Қаралсин: <https://www.spot.uz/oz/2023/04/13/world-trade-organization/>